



О'ЗВЕКИСТОН

BUNYODKORI

№6 (659) 2023 йил 27 январь, жума

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ИЖТИМОЙ-ИКТИСОДИЙ ГАЗЕТА

uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor

info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРГИЗИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга  
давлат ташрифи билан Бишкек шаҳрига келди.

Иккى мamlакатнинг давлат байроқлари билан безатилган "Манас" халқаро аэропортида олий мартаబали меҳмонларни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва унинг рафиқаси кутуб олди.

Бу ерда давлат раҳбарларига Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ўтасидаги дўстликни таранном этувчи мусикий-фольклор чиқишилар намойиш этилди.

Сунг Президентимиз Қирғизистон Баш вазири Ақилбек Жапаров ҳамроҳлигидаги "Ата-Бейт" милий тарихий-ёдгорлик маҳмусасига ташриф буюрди.

ЎЗА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## БЮОК ШОИР ВА ОЛИМ, МАШХУР ДАВЛАТ АРБОБИ ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 540 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТҮГРИСИДА

Жаҳон тарихида ўчмас из колдирган бетакор сиймалардан бири Захириддин Муҳаммад Бобур буюк шоир, комусий олим, давлат арбоби ва моҳир саркарда сифатида бутун дунёда маълум ва машҳурdir. Унинг бекиёс иммий-икодий мероси нафақат милий маданиятизиз ва ҳалқимиз адабий-эстетик тафаккурининг шаклланишида, балки жаҳон адабиёти, имл-фани ва давлатлиги тарixida aloҳida ўринга эга.

Мустакиллик даврида Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳеъти ва фаoliyatini ҳар томонлами чукур ўрганиш, унинг асарларини юртимиз ва сохриж давлатларда тарғиб килиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, шоир туғилган кун - 14 февральсанаси ҳар йили мамлакатимиз бўйлаб адабиёт ва имл-маврифат байрами сифатида нишонланмоқда. Бобурнослик соҳасида кўплаб тадқиқотлар, республика ва ҳалқaro миёсда иммий анжуманинг мунтазам ўтказилмоқда.

Кейинги йилларда Тошкент ва Андикон шахарларida Бобур Мирзонинг муассазм ҳайкаллари ўрнатилгани, унинг туғилиб ўтган юрти - Андикон шахрида Бобур номидаги ҳалқaro жамоат фонди ва унинг тасарруфидаги "Бобур ва жаҳон маданияти" китоб музеини фоалият кўrsataytGAN, "Бобур энциклопедияси", "Бобур куллиёти", "Бобур. Бабуриды. Библиография" деб номланган салмоқли асарларнинг

нашрдан чиқарилгани, "Бобур ва дунё" журналининг ташкил қилингани маданиятида катта воқеа сифатida этироф этилди.

Жонажон Ватанимиз милий риҷоҷиҳатининг янги босқичига - Учинчи Ренессанс даврига қадам кўяётган, ҳәётимизнинг барча жаҳбалariда туб ўзғарishlar изоз берадиган буғунги кунда Бобур Мирзонинг бебаҳо меросини чукур ўрганиш ва оммалаштириш янада мухим аҳамият касб этилди.

Буюк аждодимиз асарларининг милий ва умуминсоний мөҳиятини, унинг ёш аводомис интеллектуал ва мавзийи салоҳиётини ошириш, фарзандларимизни шу асосда Янги Ўзбекистон бунедкорлари этиб тарбиялаш борасида даги улкан ўрни ва тасвирини инобатга олиб, Бобур Мирзонинг иммий ва ижодий меросини мамлакатимиз ва ҳалқaro миёсда янада чукур ўрганиш ва тарғиб этиши максадида:

1. Маданият ва туризм вазирилиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирилиги, Фанлар академияси. Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маврифат маркази, Бобур номидаги ҳалқaro жамоат фонди ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2023 йилда Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш түгрисидаги таклифи маъкулланси.

► 2-бет

### КУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ҲУЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

## Чекка ҳудудлардаги таъмирталаб уйлар эътиборда

Республика Ишчи гуруҳи аъзолари ҳамда Курилиш ва уй-жоий коммунал ҳужалиги вазири ўринbosari Жалол Арашов Хоразм вилоятининг айрим ҳудудларида бўлиб, таъмирталаб ҳолатдаги кўп квартирали уйларнинг бугунги кундаги ҳолати ва иссиқлик таъминоти қозонхоналари фаолияти билан танишдилар.

Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан Ургач шаҳрининг Ал-Беруний кўчасидаги 23-йч. Н. Кўбро кўчасидаги 66-йч ҳамда П. Махмуд кўчасидаги жойлашган 16-сонли ёткоҳона ҳолати билан жойига бориб танишилди. Ҳозирда таъмирандиган кўп квартирали уйлар ва оғир шароитларни хонадонларни таъмирлаш бўйича таклиф лойҳалари ишлаб чиқиди. Таъмирлаш ишларида энергия самараордикони ошириш масаласига катта эътибор каратилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, вилоятнинг Богот ва Хонса туманларида ҳам аҳоли мурожаатлари, маҳаллалардаги муммомлар бўйича ўрганиш ишлари олиб борилди. Урганишлар давомида энг аввало, аҳолини кийнётган масалаларга алоҳида ытибор қаратилиди. Якка тартибда курилган бугунги кунда эскирган ҳолатга келиб колган уйларни намунавий лойҳалар асоссida янгидан куршиш хонадонларни таъмирлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиди.



## Пойтахт туманларида вазият ўрганилмоқда

Миробод тумани "Афросиёб" маҳалласидаги кўп қаватли уйларга бир нечта бошқарув ташкилотлари хизмат кўрсатиб келади. Жумладан, 16 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи "Дилнار коммунал" бошқарув усулини ўзгартирганига кўп бўлгани ийӯқ. Узоқ ўйлар уй-жоий мулкдорлари ширкати сифатида фаолият олиб борган ташкилот ҳозирда бошқарув сервис компанияси номини олган. Аммо, ишлаш механизми ҳали ҳам ўша-ўша!

Курилиш ва уй-жоий коммунал ҳужалиги вазири ўринbosari Озода Жўраева "Юнусободликлар" телеграм каналида эълон қилинган аҳоли мурожаатларига асосан Юнусобод туманидаги 75 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи "Устазода курилиш" бошқарув сервис компаниясида бўлди.

Курилиш ва уй-жоий коммунал ҳужалиги вазири ўринbosari Озода Жўраева "Юнусободликлар"

телеграм каналида эълон қилинган аҳоли мурожаатларига асосан Юнусобод туманидаги

75 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи

"Устазода курилиш" бошқарув сервис

компаниясида бўлди.

Вазир ўринbosari дастлаб мулкдорлар томонидан барпо этилган ноконун қурилмаларга эътиборсиз бўлгани учун БСК масъулларини катый танқид остига олди. Аҳоли томонидан ноконун тарзда камбарак билан ўраб олинган ҳудудларга умумиятни қаралмаган. Мазкур курилмаларни бартараф этиши мөнгүнгидан кўзда тутилмаган объектларни кечирдилди.

Шунингдек, мурожаатлар асосида ўнинг ертўла кесими кўдан кепчилидид. Ҳақиқатан, камчиликлар мавжуд. Ертўланни сув боғсан, аммо масъуллар ўз вактида эътибор каратамаган.

- Истикомлаш пулуни вактида тўляятими, талаф килишга таъсисида олиб боринг, мулкдорларда коммунал маданиятини шакллантиришинг. Бу бизнинг вазифамиз, - деди вазир ўринbosari. Ҳозирда ертўлада тозалаш ишлари амалга оширилмоқда.

## Янги йилдан янги уйлар курилишида нималар ўзгарди?

Райхона ҲЎЖАЕВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

2023 йил 1 январдан бошлаб янги куриладиган ва реконструкция қилинадиган бино-иншоотлар учун қўйиладиган бир қатор талаблар ўзгари. Бу ҳақда АОҚАда ўтказилган брифинингда Курилиш ва уй-жоий коммунал ҳужалиги вазирилиги Ахборот хизмати раҳбари Сайдносир Усмонов маълумот берди.

Хусусан, жорӣ йилнинг 1 январидан бошлаб янги куриладиган ва реконструкция қилинадиган барча, шу жумладан, таълим мусассалари, соғлиқи сақлаш,

маданият, туризм, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиши объектлари, спорт иншоотлари, локал иситиш иссиқлик тизимига уланадиган кўп хонадонли

уидорлар, шунингдек, "Янги Ўзбекистон" масивлари, барча савдо-кўнгилочар марказларини лойҳалаштириш ва ишга туширисда иссиқлик хажимишин камидаги 25 физи ушиб объектларда ўрнатиладиган кўш сув иситиш курилмалари орқали копланиши талаб этилади. Қайта тикланувчи энергия манбалари курилмаларни ўрнатиш кўзда тутилмаган объектлар бўйича лойҳа ҳужжатлари экспертизадан ўтказилмайди ва курилиш ишларини бошлашга руҳсат берилмоқда.

► 2-бет

## Аҳолини иссиқлик энергияси билин таъминлаш сифати ошяпти

Хабарингиз бор, республика бўйлаб кузатилаётган ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши, аномал совуқ ҳамда мавсумий беталофот ўтказиш, аҳолига кулай шароит яратиш мақсадида ўзбекистон Республикаси Курилиш ва уй-жоий коммунал ҳужалиги вазирилиги масуль ходимлари томонидан авария ҳолатларини тезкорлик билан бартараф этиши мақсадида ишчи гурухлар шакллантирилди.

Хусусан, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Тошкент виљолари ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган иссиқлик таъминоти корхоналари, шунингдек, Тошкент шаҳри бўйича туманлар кесимида ширкат ҳамда БСК (Бошқарув сервис компаниялари) фоалиятига кўмаклаши бўйича авария-бригадалари тузилди.

Ташкил этилган ишчи гурух фоалиятини мувофиқлаштириш, аҳоли томонидан келиб тушадиган мурожаатларни қабул килиш ва масъул ижроийларга йўналтириш бўйича 24 соатлик диспетчерлик штаби фоалиятни ўйла кўйилди.

► 2-бет

## ДИККАТ!

КУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ  
КОММУНАЛ ҲУЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ТОШКЕНТ ШАҲРИ  
МИҶЕСИДАГИ  
ТЕЗКОР ШТАБИДА

24/7

ИШ РЕЖИМИДА  
ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ  
ДИСПЕТЧЕРЛИК  
ХИЗМАТИ ИШГА ТУШДИ.

ПОЙТАХТИЗИНГ НИНГ  
КАЙСИ ҲУДУДИДА  
БЎЛИШИНГИЗДАН ҚАТЪИ  
НАЗАР СОҲАГА ОИД  
МУРОЖААТЛАРИНГИЗ  
ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ  
РАҚАМГА МУРОЖААТ  
КИЛИШИНГИЗ МУМКИН:  
71-210-11-02.





# ЮРТИНГ БИР КУНИГА ЯРАГАН

**7/24**

# ёхуд пойтахтнинг бугунги кун фидойилари

---

**Ислом ИБОДУЛЛА**, “O’zbekiston buniyodkori” мухбири

“Шаҳарда миллионлаб аҳоли яшайди. Газ босими паст, уй салқин. Нима қиласиз? Уйимиздаги бошқа майший техникаларга кўшимча қилиб ҳаво иситгичиу электр печларга зўр берамиз. Оқибатда электр оқими кучланиб, ҳудудимиздаги бутун бошли энергия тизими зарар кўради. Бир пайтнинг ўзида юзлаб муаммо ўртага чиқади. Биз энергетиклар эса, робот эмасмиз” – дейди совукда қўнишиб ишлаётган электр монтёрлардан бири...


Шу кунларда қишининг совуғига қарамасдан кўча-кўйда, кўп қаватли уйлар ва маҳаллаларда кечакундуз иш олиб бораётган “Худудий электр тармоқлари” АЖ Тошкент шаҳар филиали тасарруфидаги туман электр таъминоти корхоналарининг ходимларига қўзингиз тушдими?! Ҳа, бу кишилар оддийгина - электромонтёр, мухандис, уста ёки ер қазувчи инсонлардир, улар аномал совуқнинг ҳақиқий қаҳрамонлариdir. Биз уйимизда чироқ ўчганидан нолиб ўтирган бир пайтда, улар суюк ёра совуқда электр таъминотида юзага келган носозликларни бартараф этишмокда!

## УЙИМИЗДА НЕГА ЧИРОҚ ЎЧДИ?

Бир неча кундан бери Мирзо Улугбек туман электр таъминоти корхонасининг метин иродали ишчи-ходимлари истеъмолчиларга узлуксиз, барқарор ва сифатли электр энергиясини етказиб бериш, фавкулодда содир бўлган аварияларнинг олдини олишда жонбозлил кўрсатмоқдалар. Мирзо Улугбек туман электр таъминоти корхонаси тумандаги 50 та, шунингдек, Тошкент вилоятининг Қиброй туманидан “оғир ҳудуд” сифатида ўтказилган қўшимча яна 13 та маҳаллага хизмат кўрсатади. Республикаизмий бўйлаб кузатилган аномал соvuқ об-ҳаво шароитида туман электр таъминоти корхонасида тезкор штаб тузилиб, 24 соатлик иш режими жорий этилди. Мана, сўнгги ўн кунлик ўтяптики, штабнинг барча аъзолари ўз уйларига бормасдан, оила аъзоларидан олисда туну кун иш фаолиятини олиб боришишкода. Электр таъминоти корхонасининг бош мұхандиси лавозимида фаолият олиб бораётган Азиз Истроилов ҳам шундай инсонлардан ҳисобланади. У шу кунга қадар туман ҳудудига қарашли электр таъминоти тизимида содир бўлиши мумкин бўлган авария ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш, куз-қиши мавсумига тайёргарлик кўриш, тармоқларимизни модернизация ҳамда реконструкция қилиш ишларини олиб боради. Модернизация ишлари ҳаво, ер ости электр узатиш кабель тармоқлари, хусусан, камчилиги аниқланган трансформаторларни янги юқори кувватли муқобилларига алмаштириш каби ишларни бажаради. Совуқ, кировли кунларда корхонанинг тезкор штаби таркибида мурожаатлар билан ишлаш, муаммоларни аниқлаш ва бригадаларни авария ҳудудларига тўғри тақсимлаш ишларини амалга ошириб келмокда.

амалга ошириб келмоқда.

– Уйимга бормаганимга ўн кун бўлди, – дейди Мирзо Улуғбек туман электр таъминоти корхонасининг бош муҳандиси Азиз Истроилов. – Оила аъзоларимга телефон қилишга вақт бўлмайди. Истъемолчи абонентлар телефон қиласди. Бақир-чақир. Шу кунларда мамлакатимиз худудларига аномал совуқ кириб келиши оқибатидагаз босимидағи кескин пасайишлар аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини кескин ошириб юборди. Негаки, хонадонларда газ пастлиги ортида кўшимчага электр иситгичлардан фойдаланиш кўрсаткичи ошди. Бу ўз ўрнида жойлардаги мавжуд электр қурилмаларида ортиқча кучланишни юзага келтириб, кўплаб аҳоли яаша хонадонларида фавқулодда авария ҳолатларининг кўпайишига сабаб бўлди. Минглаб аҳоли яаша пунктлари электр энергиясидан узилиб қолди. Айтиш керакки, аномал об-ҳа-во шароитида корхона ишчилари ва аҳоли ўртасида бир қанча тушунмовчиликлар юзага келгани кўнглилизни бироз хира қилди. Электр тармокларида аниқланган но-созликларни бартараф этиш ишлари чоғида ҳолатга тўғри баҳо бера олмаган аҳоли вакиллари норозилик билдириб, совуқ курол ўрнида майший буюмлар билан электр таъминоти корхонасининг биносига киришга уринди. Ўз ўрнида вазият фавқулодда дебаҳоланиб, корхона биноси ва ходимларининг хавфисизлигини таъминлаш мақсадида худудга хукуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари жалб этилди. Ўн йилдан берин ишдаману, аммо биринчи марта бундай ҳолатни бошимдан ўтказдим. Энг муҳими, кўп қатори мазкур ҳолат биз учун ҳам бир мактаб бўлди. Келажакда бўлиши мумкин бўлган оғир шарситдор ўчиш синордан ўйтник, добайтайман.



Маълумотларга кўра, Мирзо Улуғбек туман электр таъминоти корхонасига сўнгги ўн кун давомида кунлик 250 тагача муаммоли мурожаатлар келиб тушган. Аномал со-вук об-ҳаво шароитидан олдин эса, корхона кунлик ўнтағача мурожаатларни қабул қиласарди. Ҳозирдаги мурожаатларнинг аксари кўп қаватли уйларнинг ер остидан ўт-ган электр узатиш кабель тармоқларидаги шикастланшишлардан келиб тушмоқда. Улар тезкор бартараф этилиб, шикастланган кабеллар ва тури кувватга эга бўлган электр курилмалари изчил янгиланмоқда. Жумладан, шикастланган 10 та захира трансформаторини ўзgartириб, узунлиги 4 километрдан ортиқ ўз-ўзини химояловчи СИП русумидаги кабель тармоқларига алмашитирилди ҳамда шикастланган носоз ер ости кабеллари янги кабель тармоқларига вақтингчалик уландиди. Сабаби, асосий ер остидан ўтган юқори кучланишли кабель тармоқлари мукаммал таъмирлангандан сўнгра вақтингчалик фойдаланишилгани кабель тармоқларини йибб олинади.

лик фойдаланишдаги кабель тармоқлари йиғиб олинади.

Мирзо Улуғбек туман электр таъминоти корхона жамоаси бугун бамаслаҳат, иш тартибларини тұғри ійліг құйиш орқали вазиятдан чиқиб кетишиг ҳаракат қылмокда. Иш куни аввали туман электр таъминоти корхонаси нинг бош мұхандиси томонидан ҳар куни эрталаб ишчи-ходимларга баҳтсиз ҳодисаларни олдини олиш бүйіча ту-шунтириш ишлари олиб борилади. Жұмладан, вилоятдан келган ёрдамчи күчларнинг ишлаш тартиби үзгачароқ. Уларда күпроқ ҳаво тармоқларида иш олиб борилади. Пойтахтада бўлса, асосан, ер ости кабель тармоқларини таъмирлаш ҳамда жойлардаги мавжуд трансформатор пунктларида юзага келган носозликларни таъмирлаш билан шуғулланишади. Туман электр таъминоти корхонаси ва туман ҳокимияти томонидан аномал совуқ об-хаво шароитида фаолият олиб борган ишчи-ходимлар учун моддий рағбатлар, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари берилди. Улар уч маҳал иссиқ овқат ва ичимликлар билан таъминланмокда.

# КАСБИДАН ИЗЗАТ ТОПГАН ЭЛЕКТРОМОНТЁР



Юртнинг бир кунига яраган минг кун эл оғизда бўлар экан. Бунга ўз касбининг устаси бўлмиш электромонтер Саъдулла Салимовнинг касб ҳаёти мисол бўла олади. Саъдулла aka узоқ йиллар давомида халқ хизматида бўлди. Уни ҳамма ҳурмат қиласади. Негаки, у киши ҳақиқатда касбидан иззат топган энергетик ҳисобланади. Узоқ йиллик меҳнат фаолиятидан сўнг Саъдулла aka Салимов ўзининг севимли иш жойида қолишига орзуманд бўлди. Коровул вазифасида иш бошлади. Шу кунлардаги аномал совук об-ҳаво шароитида электромонтер ўзининг севимли ишига қайта қовушди. Бу ҳақда унинг ўзи куйилагича ҳикоя қиласади:

унингизи куийдагича ҳикоя қиласы:

- 36 йил Чилонзор туман электр таъминоти корхонасида электромонтёр бўлиб ишлаганиман, - дейди корхона ишчиси Саъдулла Салимов. – Бунча узқ муддат бир жойда ишлаганингиздан кейин касбга, иш жойига бўлган муҳаббат кучли бўларкан. Шу сабаб нафақага чиққач, корхонада қоровул вазифасида ишимни давом эттира бошлидим. Айтишим керакки, узқ йиллик меҳнат фаолиятим давомида бундай аномал со-вук кузатилмаган эди. Вазият шу даражага етдики, аҳоли томонидан мурожаатларнинг кўплиги натижасида бевосита корхонамиз раҳбарияти томонидан электр тармоқлари-ни таъмиrlаш ишларига жалб этилдим. Ҳозирда авария ҳолатлари аникланган участ-каларда ҳамкасбларимга кўмаклашиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга ҳисса қўшияпман. 13 январдан бўён тезкор штаб хизматчилари билан халқ хизматига

Энергетик учун ишнинг катта-кичиги йўқ. Саъдулла ака шу кунларда anomal со-  
вуқ об-ҳаво бўлишига қарамасдан жойлардаги носоз трансформаторни алмашти-  
риш, жой келганда ер ковлаб, ер ости кабель тармоқларини ётқизиш билан машгул.  
У киши айтганидек, аслида юрт корига ярайдиган ходим учун бу ишнинг мashaққатию

## АНОМАЛ СОВУК БАРЧАМИЗНИ БИРЛАШТИРДИ

Пойтахтимиздаги Учтепа туманининг энергетик ҳолати буғунги аномал совуқ об-ҳаво шароитида энг оғир ҳудудлардан бири сифатида кўзга ташланди. Ҳудудда қисқа вақт ичидан бир қанча ташкилий ишлар амалга оширилди. Коммуникация тармоқларининг барқарорлигини таъминлаш бўйича кўплаб ҳаракатлар амалга оширилди. Бунда Учтепа туман электр таъминоти корхонасининг ҳиссаси катта бўлмокда.

- Учтепа туман электр таъминоти корхонаси томонидан худуддаги муммаларни бар-тараф этиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириб келяпмиз, - деди корхона ходими Кувондиқ Алиев. - Сўнгги 10 кун ичida фавку-лодда авария ҳолатида юзага келган узилишларда носоз ҳолга келган трансформатор пунктларидаги мавжуд электр қурилмалари янги юқори кучланишли трансформаторларга алмаштирилди. Хусусан, туман худудидаги маҳаллалар ҳамда кўп қаватли аҳоли яшаш хонадонларини сифатли электр энергияси билан таъминлаш мақсадида, жами 12 та трансформатор алмаштирилди, юқори кучланишли 5 километрдан ортиқ кабель тармоқлари янгиланди. Шунингдек, бир неча километр узунликдаги вақтинча электр узатиш кабель тармоқлари тортилди. Туманинг турли бурча-клирида аниқланган камчиликларни ўнга яқин

дан иборат ишчилар жамоаси бартараф эти келмоқда. Ҳозирда, авария ҳолатларига 70 гяқин ходим жалб этилган. Мана бир ҳафтада зиёдки, 24 соат давомида ишни тұхтатмаяпмиз Албатта, иш давомида қызық ҳолатларни ҳағи гувоҳи бўлмоқдик. Том маънода аномал сову ҳаво шароитида туманимиздаги энергети аҳвол, туман электр таъминоти корхоналари нинг кечаю кундуз 24 соат ишлаётгани аҳоли дининг коммунал соҳага бўлган эътиборини

линиңг коммунал соҳаға булған эътиборин оширди. Аввал сўкиш даражасига чиқиб носиган лиган аҳоли, ҳозирда бизга камарбаста бўлди. Ишчиларимизга қайишб, иссиқ озиқ-овқатлар чиқариб туришди. Ҳаттоти, кўп қаватли уйларнинг носоз электр симларини тортишди. Аёлларимиз ҳам уйларидан чиқиб, ишчиларимизга баравар кўмаклашишди. Бир қарагандан бугунги аномал ҳолат аклимиизда эл-юртни бирлаштирадиган, меҳр-оқибатини кучайтирадиган хотиралар билан қоладиган бўлди.



Ўрмонга ўт кетса ҳўлу қуруқ бир ёнар, деган нақл бежиз айтилмаган. Ҳозирги энергетик муаммоли вазият юртимизнинг ҳар бурчагида кўзга ташланмоқда. Қизифи, бу ҳудудларнинг ўзаро бирлашиб, баҳамжихат иш олиб боришига туртки бўлди. Ҳусусан, Тошкент шаҳрида ҳам республикамизнинг чекка ҳудудларидан келган жонкуяр ишчи-ходимлар пойтахтилик ҳамкасларига елкадosh бўлмокда. Ўзларининг юксак тажрибаларини намоён этиб, аҳоли муаммоларини биргаликда елкама-елка турган ҳолда бартараф этишмоқда.

бартараф этишмокда.

– Мен Чилонзор туман электр таъминоти корхонасида электромонтёр вазифасида фаолият олиб бораман, – дейди Насрулло Тоғаев. – Ҳозирги кунда Бухоро вилоятидан ёрдам кучи сифатида ташриф буюрган ҳамкасларимиз билан Чилонзор туманидаги кўп қаватли аҳоли яшаш уйларини электр энергияси билан таъминловчи ер ости электр узатиш кабель тармоқларида юзага келаётган носозликларни лаборатория текшируви шароитида аниклаб, жойида бартараф этишга ҳаракат қиляпмиз. Бунда, Бухоро худудий филиалининг миришкор ишчи-ходимлари жамоасининг илфор лаборатория ускуналаридан фойдаланяпмиз. Бундан ташқари, Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидан келган ёрдамчи бригадалар билан Чилонзор туманидаги аникланган аварияларни бартараф этиш бўйича тизимли ҳаракатлар олиб борилмоқда. Биламизки, Чилонзор тумани пойтахтимизнинг энг гавжум туманларидан бири. Худуддаги Қизилшарқ, Гулистон ва Ал-Хоразмий мавзеларида газ этишмовчилиги юқорилиги сабабли асосан йирик муаммолар кўзга ташланиб, кенг кўламли таъмирлаш ишлари бажарилиб келинмоқда.

Үйлаб қарасак, мутахассислар таъкидланганидек, коммуникация тармоқлари ўзаро боғланган бир даврда яшапмиз. Бугун электрнинг ўчиши газга бўлган талабни ошириб юборади ёки аксинча. Келажакда ҳозирги каби муаммоларга дуч келмаслик учун ахоли пунктларида электр узатиш кабель тармоқларини икки қатор этиб ётқизиш орқали иккинч қатор кабель тармоғидан фавкулодда вазиятларда захира ўрнида



# МИНГКУН ЭЛ ОҒЗИДА БҰЛАДИ

# Қаҳратонға қарши курашаётғанлар

**Зиё СИРОЖ,**  
“O’zbekiston bunyodkori” мухбери.

Қиши. Атроф оппоқ қор. Ташқарида 20 даражача совуқ. Деразадан күчага разм солар эканман, зарур юмуш туфайли күчага чиқишинг имкони йўқ, деб ўйладим. Шундай бўлса-да, бирровга чиқишимга тўғри келди. Манзил сари борар эканман, аста юришнинг имкони йўқлигини англадим ва майда қадамлар билан тез-тез одимлай бошладим. Совуқ забтига олган мана шундай бир пайтда йўл четида маҳсус транспорт воситаси ер ковлаётганини кўриб, тўхтаб қолдим. “Шу пайтда зарурми?”, деган савол ўтди хаёлимдан. Аста чуқур томон бўйладим. Не кўз билан кўрайки, ана шундай изгирин совуқда уч-тўрт киши бели баравар сувда кувурни таъмирлаш билан овора эди. Этим сесканиб кетди. Ахир, бу аёзда ишлаб бўладими! Яна муздек сув бутун баданингизга сачраб, шалаббо қилиб турган ҳолатда-я?..

- Бу биз учун оддий ҳолга айланган, - деди “Андижон сув таъминоти” МЧЖнинг Андижон шаҳар филиали Таъмирлаш турухида чилангар вазифасида меҳнат қилувчи Акромжон Долимов. - Бир кунда 3-4 тагача носозликни бартараф этишимизга тўғри келади. Бу ҳолат бир неча кунгача давом этган пайтлар ҳам бўлади. Бу носозликнинг ҳажмига боғлиқ! Масалан, Андижон шахрининг “Бўстон” даҳасидаги Андижон маҳалласидан ўтган диаметри 1000 мм ҳажмли сув қувурини тузатишни кундузи бошлаб, тонг сахарда тутгатишимиизга тўғри келди. Бундай пайтда вақтнинг, об-ҳаводаги ҳароратнинг аҳамияти йўқ. Аҳоли бир култум сувга зориқиб турган маҳалда кўлни қовуштириб ўтиришга виждонимис қийналади, ахир. Халқнинг корига ярашин ўзимизга мақбул, деб билдиким, демак, ҳар қандай шароитда ҳам меҳнат қилишимиз, ҳамюртларимизга қулайлик яратишнимиз керак.

Акромжон қарийб, 24 йилдирки, шу вазифада меҳнат қиласди. Ҳар куни чиңчурт марта сувга тушишига тўғри

нинг иссик кунларида ҳам узоқ вақт сувда қолиб ишлашнинг ўзи бўлмайди. Баъзан, уйга борганида оёклари увишшаттанини сезади. Кун давомида билинмаган азоблар энди ўз кучини кўрсатаётганини сезса-да, бирор марта ишидан нолимайди.

- Аномал совук пайтида ишимиш кўпайди, - сухбатда давом этади у. - Кундузги совук тунга бориб иккι-уч баробарга ортиб кетди. Бироқ, бу ишни тўхтатишимизга сабаб бўлмади. Ахир, юзлаб хонадонларда сув таъминоти тўхтаб қолган. Бир соат умримизни сувсиз тасаввур қилиш қийин бўлиб қолган ҳозирги замонда аҳолига ўз вақтида қулайлик яратиб, яшаш шароитини яхшилашга кўмаклашиб мен каби сувсолзарнинг энг муҳим вазифасидир. Ана шундай пайтларда баъзан фарзандлариминг менга раҳми келади. “Дада, бўлди энди ишга борманг. Бизга соғлигингиз мухим”, - дейди ўғилларим. Мен бўлса уйда бекор қолсан, касал бўлиб қоламан. Шу боис ҳар доим ишга отланаман. Касбим менинг ҳаётимга, амалга ошираётган ишларим умрим мазмуннага эйланаби-

Акромжон қариб, 24 ийлдирки, шу вазифада меҳнат қиласи. Ҳар куни уч-тўрт марта сувга тушишига тўғри келади. Нафақат, қишида, балки ёз-доим ишга отланаман. Қасбим менинг ҳаётимга, амалга ошираётган ишларим умрим мазмунига айланаб қолган.



Бу йилги қиши мавсумида сув таъминотида ҳам ўзига хос муаммолар юзага келди. Қувурларнинг музлаб қолиши Таъмирлаш гурухи ишчила-рининг юмушини икки-уч баробарга оширибина қолмасдан, ҳар до-имгидан ортиқ куч ва шижоат билан ишлашни ҳам талаб этди. “Ўзсувтъ-минот” АЖ томонидан республика-миз бўйича 2 минг 219 нафар тармоқ усталари ва чилангарлардан ибо-рат 527 та авария бригадалари, 533 нафар ходимлардан таркиб топган диспетчерлик хизматларида узлук-сиз фаолият жорий этилди. Уларни зарур техника, ёқилғи-мойлаш маҳ-сулотлари ҳамда кийим-бош билан таъминлаш каби чоралар кўрилди.

- “Андижон сув таъминоти” МЧЖда 98 та транспорт воситалари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти аварияларни бартараф этишига жалб этилди, - деди “Андижон сув таъминоти” МЧЖ матбуот котиби Марҳабохон Насриддинова. - Ҳар бир шаҳар ва туманлардаги филиа-лимизда навбатчилик гурухлари ташкил этилди. Улар томонидан ху-дудларда юзага келган носозликларни бартараф этиш ва фуқаролар

мурожаатларининг ижобий ечимини таъминлаш ишлари сифати амалга оширилди. Аномал совуқ хукм сургаган кунларнинг ўзида 50 дан ортиқ жиддий авария ҳолати кузатилди. Бунинг натижасида 34 та манзилда сув таъминотида вақтинча узилиш юзага келди. Ахолига ўз вақтида тоза ичимлик суви етказиб бериш учун таъминотнинг муқобил туридан фойдаланишга тўғри келди. Яъни, 53 та маҳсус сув ташувчи транспорт воситалари орқали истеъмолчиларга ичимлик суви етказиб берилди. Бу каби ҳолатларни бартараф этишда Акромjon Долимов каби ишчилари мизнинг меҳнати жуда катта бўлди. Уларнинг фидокорона саъй-ҳаракатлари туфайли носозликлар ўз вақтида ижобий ҳал этилиб, ахолининг бир дақиқа бўлсин сувсиз қолишига йўл кўйилмади.

Сиз буларни ўқиётган пайтингизда республикамизнинг қайсиидир худудидаги сув тармоғида яна носозлик юзага келгани эҳтимодан холи эмас. Бироқ кўнглимиз тўқ. Ахир, Акромjon каби бугунги кун қаҳрамонлари бор экан, ташвишланиши мизга ҳожат йўқ.

# Кўнгилларга ҳам нур олиб кираётган Шоҳруҳбек

Шу кунларда деярли барча соҳа ходимларига осон бўлаётгани йўқ. Аста ортга чекинаётган об-ҳаводаги кескин ўзгариш ҳар биримизни синовдан ўтказгани рост. Биз-ку, бир амаллаб иссиқ уйимизда, атрофда бўлаётган жараёнларга баҳо бериш билан чекландик. Аммо айрим касб эгалари кеча-ю кундуз тиним билмади. Қишининг қаҳратонини енгса енгдики, асло чекинмадилар. “Худудий электр тармоқлари” АЖ жамоаси ана шундай фидойи инсонлардан таркиб топган.



Бу йилги аномал совуқ шароитида Шохрух-бекнинг шижаоти яна бир бор юзага чиқди, десак муболаға бўлмайди. У қатори ишчиларнинг матонати билан аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи кондирилди.

Жамиятнинг Андикон вилояти худудий филиалида юзлаб тажрибали мутахассислар фаолият юритишишади. Ҳатто, бой тажрибага эга бўлган ишчилар ҳам зиммасига юклатилган вазифани сидқидиллик билан, сифатли адо этишга одатланган. Қишининг бу йилги аянчли дамларида улардаги бу хислатлар яна бир бор юзага чиқди. Жумладан, электромонтёр Шоҳруҳбек Абдуллахонов каби ишчиларнинг жонбозлиги туфайли минглаб хонадонларда электр тарьминотининг сифати яхшиланди.

- Одатда, носозликни бартараф этиш жараёни осон кечмайди, - деди у биз билан сухбатда. - Йилнинг қайси фаслида, қандай об-ҳаво шароитида бўлмайлик, ҳаётимизга хавф солувчи сабаблар жуда кўп. Шу боис ҳар сафар эҳтиёт чораларини кўрамиз. Ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида шу вазифада ишлаётган бўлсам, беш-олти марта ток уриш ҳодисаси юзага келган. Техника хавфсизлигига тўлиқ, риоя қилганим учун бу ҳолат ҳаётимга хавф со-лолмайди. Бироқ, озгина эътиборсизлик умримга завол бўлишини ҳам юракдан хис этиб тураман.

Шохрухбекдаги бу хислат унга отаси Қобилжон Күшоқовдан ўтган бўлса, ажабмас. У киши узоқ йиллар давомида энергетика соҳасида фаолият юритмоқда.

- Отам ўз меҳнат фаолияти давомида соҳадаги ютуклар билан бир қаторда қийинчиликларни ҳам ҳикоя килиб берган, - дея сұхбатни давом эттири қаҳрамонимиз. - Шу боис бўлса керак, оила аъзоларига ҳар доим кўллаб-кувватлаб туради. Катта ношларни бартараф этиш жараёнида уйга кел, қолсам, яқинларим кўнғироқ қилиб, кўнглиларни дарсанлаштиришади. Бу менга куч беради.

## Қишлоғаның тарихи мәдениеті

---

**Ҳамза ШУКУРОВ**, “O’zbekiston bunyodkori” мухбири

Табиат хуружи инсон матонатини синовдан ўтказаётган шу кунларда республика ҳукумати, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари имкониятдан келиб чиқиб, ҳолатни яхшилаш, одамларга қулай мухит яратиб бериш мақсадида астойдил ишга киришишган. Зарур чоралар кўриш билан бирга билимли, тажрибали мутахассислар, муҳандис-техниклар, оддий ишчи-хизматчилар чинакам қаҳрамонлик кўрсатиб, зиммадаги вазифани вижданан бажариш учун туну кун меҳнат қилишмоқда. Бу жиҳатдан “Худудий электр тармоқлари” АЖ Самарқанд худудий филиали ходимларининг саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовордир.



**Суратда:** ўз халоватидан кечиб одамлар ташвиши учун фидойилик кўрсатा�ётган ходимлардан бири - Оқдарё тумани электр таъминоти корхонаси электромонтери Зафар Союлов хизмат вазифасини бажармокла

пунктларида йирик авариялар вужудга келиши-  
нинг олдини олиш мақсадида ҳокимликлар билан  
бамаслаҳатлиқда энергия таъминоти бўйича  
қисқа муддатли чекловлар киритилган. Фуқароларимиз миаммолар юзасидан диспетчерлар билан боғланиш учун шароитлар яратилган.

Мухими, муаммалорни ҳал этиши ва мунтазам-лилигининг олдини олиш бўйича тизимли юмушлар амалга оширилмоқда. Келгусида соҳани тўлик модернизация қилиш, замон талабларига асосан

# Касбига садокатли йигит

Юртимизда ҳукм суроётган қиши фасли ҳаммамиз, айниқса, энергетика соҳаси ходимлари учун чинакам синовли давр бўлди. Об-ҳавонинг кескин совуб кетиши натижасида истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган талаби кутилганидан 2-3 баробарга ортди. Бу эса ҳудудлардаги трансформатор пунктлари, электр узатиш тармоқларининг юсоз ҳолатга келишига сабаб бўлди.



Аномал совуқ вақтида юзага келган носозликларни бартараф этиш ишлари ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам бир зум тұхтамади, тунын күн олиб борилди. Ҳатто таъмирлаш вакти узоқ муддат талаб этадиган носозликлар ҳам юзага келди. Аммо малакали ва ўз касбининг фидойилари туфайли носозликлар ўз вактида бартараф этилди. Инсон ҳәєти учун хавфли касблардан бири ҳисобланған монтёрликни унча-бунчада одам астойдил уddyлай олмаслыгини барчамиз яхши биламиз. Шу боис, бу касб әгаларига халқ, орасыда ўзгача хурмат, әтибор шаклланған десек мүбодалаға бўлмайли.

“Фарғона худудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамиятияда электромонтёр лавозимида ишлаб келаётган Шерзод Қодировни ҳам синовли кунларни сабр ва матонат, қолаверса, ўз шарафли меҳнати билан енгган замонамиз

- Инсон ўз касбини чин дилдан севса, уни ҳеч қандай совуқ ҳам, ёғингарчиллик ҳам ишидан чалғитолмайди, - деди Шерзод Қодиров. - Совуқ, айни забтига олган пайтда табиий равишда носозликлар сони ҳам одатдагидан ортиг кетди. Ана шундай носозликлардан бири Марғилон шахрининг “Маъориф”, “Тошлоктепа” ҳамда “Чороғон” маҳалла фуқаролар йиғинларининг тайрим худудларини электр энергияси билан таъминловчи б қвли “Баҳрин” электр узатиш кабель тармоғида содир бўлди. Фавқулодда аварияли узилишни бартараф этиш учун худулуга тезкор чиқиши брон-тармоғининг 300 метр қисмига янги ҳаво тармоғи тортилди. 1 километр носоз қисмига эса янги кабель тортилди. Бу носозликин бартараф этиш ишлари ҳавонинг совуқлиги, кеч бўлишига қарамад олиб борилиди. Аслида бир неча кун вақт талаб этадиган носозлик 12 соатдан ортикроқ вақт ичидаги тўлиқ бартараф этилгани эса электр усталирининг қанчалик фидойи эканликларини яна бир бор исботлади. Юртимизда Шерзодбек сингари синовли кунларни ўз матонати билан енгидиган, халқ хизмати учун доимо шай турадиган қаҳрамонлар кўпайсинг.

“Фарғона ХЭТК” АЖ матбуот хизмати

